ПАРТИЯ ПЛАНЛАРИ—ХАЛҚ ПЛАНЛАРИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 230 (6348)

29 НОЯБРЬ ЧОРШАНБА

1978 ИИЛ

Баҳоси 2 тийин.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ёш бинокорлар мураббийси Ҳамид Қорабоевни республикамиз пойтахти бунёдкорлари бениҳоя ҳурмат қилишади. Машҳур қурувчи раҳбарлик қилаётган комплекс бригада аъзолари 11-«Висотстрой» трестининг пешқадам бригадалари сафида бормоқда. Бу аҳил ва иноқ коллектив аъзолари шу кунларда Тошкент почтамтининг янги ҳашаматли биноси қурилишини жадал ва сифатли олиб бормоқдалар. Ушбу суратда моҳир раҳбар, донгдор бунёдкор Ҳ. Қорабоевни кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Тошкент область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети июль [1978 йил] Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг шу Пленумдаги докладидан келиб чиқадиган вазифаларни бажара бориб, давлатга пахта сотиш йиллик планини 27 ноябрда муддатидан илгари бажардилар.

Область колхоз ва совхозлари коллективлари бу йилнинг қийин шароитларида қабул пунктларига 416 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб бердилар. Оби-ҳаво қийинчиликларини мардонавор енгган колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар, қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг фидокорона ва қаҳрамонона меҳнатлари туфайли ҳар гектар майдондан 30,5 центнердан ҳосил олинди. Жами ҳосилнинг 85 процентдан кўпроғи 1-сортларга сотилди.

Давлатга пахта сотиш йиллик планининг муваффақиятли бажарилишида ипатоволикларнинг терим-транспорт отрядларини ташкил қилиш бўйича иш тажрибаларини кенг қўлланганлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Бу пахта терши техникасидан самарали фойдаланиш имконини берди. Областда етиштирилган ялпи ҳосилнинг 78 проценти механизмлар ёрдамида йиғиштириб олинди. Ҳар бир пахта терши машинасининг ўртача иш унуми 115 тоннани ташкил этди.

Эришилган меҳнат ғалабасига барча район пахтакорлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Улкан хирмонга бўкаликлар 67 минг тонна, бекободликлар 63,3 минг тонна, ғалабаликлар 57,6 минг тонна, оққўрғонликлар 50,2 минг тонна, ўртачирчиқликлар 45,6 минг тонна, пискентликлар 37,6 минг тонна, янгийўлликлар 34,1 минг тонна, чиноз ликлар 32,7 минг тонна, Коммунистик райони меҳнаткашлари 27,8 минг тонна «оқ олтин»лари билан ҳисса қўшдилар.

Ғалаба район пахтакорлари ҳар гектар майдондан 37,7 центкердан хирмон кўтардилар. Ялпи ҳосилнинг 86 процентдан кўпроғи «зангори кема» бункерларидан тўкилди. Чиноз, Коммунистик, Янгийўл, Бўка районларининг пахтакорлари ҳар гектар майдондан 35—31 центнердан пахта ҳосили олдилар. Коммунистик, Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон, Бўка, Чиноз районларининг хўжаликларида 80 процентдан ошиқ ҳосил машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди.

Техника имкониятларидан юқори унум билан фойдаланиш юзасидан ўтказилган мусобақада Чиноз районидаги Киров номли колхоздан икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Турсуной Охунова, Ғалаба районидаги Свердлов номли колхоздан Маҳмуд Уринбоев, Бўка районидаги Тимирязов номли колхоздан Пўлат Асроров, Ражаб Маҳкамов, Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоздан Рихсивой Шерматов, Бадал Нуриев каби механизаторлар пешқадамлик қилдилар. Улар мавсумда ўз агрегатлари бункеридан 459—212 тоннадан пахта тўкдилар. Илғорлар тажрибасига амал қилиб меҳнат қилган 50 механик-ҳайдовчи 150—200 тоннадан пахта терди.

Турсуной Охунова етакчилик қилаётган бригада пахтакорлари рекорд кўрсаткичларга эришдилар. Бригадада 85 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60,1 центнердан хирмон кўтарилди. Ҳосилнинг 91 проценти механизмлар ёрдамида йиғиштириб олинди. Турсуной Охунованинг ўзи пахта терши машинаси билан 459 тонна пахта терди.

Областнинг давлатга пахта сотиш йиллик планини муваффақиятли бажаришига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан пахтакорларга ёрдамга келган ва етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишда фидокорона меҳнат қилаётган шаҳарлар, район марказларининг корхоналари, ташкилотлари, ўқув юртларининг коллективлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Область қишлоқ меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети ноябрь [1978 йил] Пленуми қарорларидан руҳланиб, партия ва ҳукуматимизнинг совет халқининг моддий фаровонлигини ўстириш ҳақидаги ғамхўрлигига жавобан қабул қилинган социалистик мажбуриятни бажариш учун курашни давом эттираётирлар. Улар яқин кунлар ичида етиштирилган жами пахта ҳосилини йиғиштириб олиш учун кучғайратларини аямаяптилар.

Областда давлатга дон, сабзавот, картошка, қовун-тарвуз, мева, узум, пилла, жун сотиш юзасидан ўнинчи беш йиллигининг учинчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбурият муддатидан илгари бажарилди. Давлатга сут сотиш йиллик плани муваффақиятли адо этилди.

Область колхоз ва совхозлари деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан КПСС XXV съезди қарорларини бажариш йўлида ўнинчи беш йиллигининг тўртинчи йилида янги меҳнат муваффақиятларини қўлга киритиш мақсадида ҳозир пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб-териб олиб, давлатга топширишни тугаллаш билан бирга 1979 йил ҳосили учун кузги-қишки ишлар комплексини бажариш ва чорва қишловини намунали ўтказиш тадбирларини амалга оширяпти-лар.

Валентина Рузайкина номини Оққўрғон пахта тозалаш заводи коллективи зўр ҳурмат билан тилга олади. Шу корхонада кўп йиллардан бери фидокорона меҳнат қилиб келаётган бу жинловчи ўзининг унумли ва сифатли иши билан кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонган. Пешқадам ишчи шу кунларда келгуси йил ҳисобига маҳсулот бермоқда. Суратда: В. Рузайкина иш устида.

В. Сироткин фотоси.

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

Бу колхоз ўтган йили аранг планни бажарган эди. Деҳқонлар доғни ювиб ташлаш, маррага барвақт етиб келиш учун бор тажрибаларни, маҳоратларини ишга солдилар. Натижада 800 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштирилди.

Йиғим-терим ипатоволиклар усули асосида ташкил этилди. Мавжуд техника ва ишчи кучлари тўла сафарбар этилди. Шунинг учун ҳам суръат кўтарилиб борди. Тўғри, анчагина майдондаги ғўзалар кечиб бўлиб қолган эди. Лекин, агротехника тадбирлари изчиллик билан амалга оширилганлиги учун бу майдонларда ҳам мўл ҳосил бўлди.

Колхознинг Асад Ўролов бошлиқ бригадаси пахтакорлари бу йил ажойиб ғалабага эришдилар. Илгарилари бу бригадада ҳосилдорлик 25—26 центнердан ошмаган эди. Тажрибали мутахассис Ўролов бригадага бошлиқ қилиб тайинлангач, ишни янгичасига ташкил этди. Чигит экиш, ғўза парвариши намуналы йўлга қўйилди. Илғор тажрибалар кенг қўлланилди. Мана бугун бригада аъзолари терим мавсумини ёруғ юз билан якунламоқдалар. Ҳар гектаридан шу кунгача 45 центнердан хирмон кўтарилди.

Колхознинг И. Ҳожибекова, Х. Султонов, Ғ. Тожибоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам шу кунгача ҳар гектардан 36—40 центнердан ҳосил йиғиб олинд.

Ташкилотчилик, тадбиркорлик яхши самара берди. Колхоз плани ортиғи билан бажарилиб, илғорлик сари дадил қадам ташлади.

— Ҳозиргача хирмонга 2600 тонна пахта тўқдик,— дейди колхоз раиси А. Мусаев. — Биз бу йил ҳосилдорликни кам деганда 35 центнерга етказамиз.

Дарҳақиқат, Бўка районидаги «Ленинобод» колхозида план бажарилгандан кейин ҳам терим суръати асло бўшаштирилмади. Ҳозир ҳам кунига 1—1,5 процент пахта тайёрланмоқда. Бунга йиғим-терими ва пахта тайёрлашни цех усулида ташкил этиш туфайли эришилмоқда. Колхоз гаражидан катта майдон текисланиб, жой тайёрланди. 8 та кўсак чувиш машинаси шу ерга келтирилди. Шу кунларда бу машиналар бетўхтов ишлаб турибди. Бригадалардан терилган пахталар тўғридан-тўғри ана шу ерга келтирилмоқда. Чувилиб, қуритилган пахталар тўғридан-тўғри пунктга жўнатилмоқда. Далаларда теримчилар, хашарчилар билан бирга тўртта кўсак терши машинаси ҳам ишлаб турибди.

Колхоз пахтакорлари ютуқларни мустаҳкамлаб, келгуси йилда ҳам мўл ҳосил етиштириш ниятида меҳнат қилмоқдалар.

Н. ИСАЕВ.

СЎНГГИ ЧАНОҚЛАР ҚАДРИ

Куз охирлаб боряпти. Кун гоҳ ясиб, гоҳ совумоқда. Яқин-яқиндатина «зангори кема»лар гулдуроси янграган далаларда бугун кўрак терши, кўсак чувиш агрегатлари юксак унум билан ишлаяпти. Етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини йиғиб-териб олишда чевар теримчилар, механизаторлар алоҳида намуна кўрсатишяпти. Улар орасида эгатларни оралаб келаётган пахтазор барноси Хурбихон Абдуқодировани учратиб қолдик. Биз яқинда уни илк бор очилган пахтани чеккасига тақиб, забардаст «зангори кема»сини бошқариб бораётганда кўрган эдик. Бугун эса кўрак терши машинасини бошқаряпти. Қўлида сўнгги чаноқ, сўнгги кўсакларнинг бебаҳо дурдоналари...

Дарвоқе, шу сўнгги чаноқлар дурдонаси колхозчилар кўзлаган сарбаланд қоялларнинг энг сўнгги зинапоялари эмасми? Ҳа, шундай. Сўнгги чаноқлар — Хурбихон чеҳрасига табассум юритди. Шу чаноқларда унинг сергулув кунглига ором бермаётган туйғулар, далалар қўшиғининг сирли оҳанглари ўз аксини топгандек.

Оддий механизатор Хурби Абдуқодировани қўлидаги сўнгги чаноқда колхозчиларнинг йил бўйи қилган улкан меҳнати ҳам акс этиб турарди.

Колхозчилар зарбдор йилда 1775 гектар майдонда «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштиришди. Пахта йиғим-теримига пухта ҳозирлик кўрилганлиги ўз самарасини кўрсатди. Натижада, хўжалик заршунослари муддатидан анча илгари ғалаба рапортига имзо чекдилар. Давлатга тортиқ этилган 6163 тонна пахтанинг 90 процентдан зиёди биринчи сортларга қабул қилинди.

Хўжаликда 23 та пахтачилик бригадаси мавжуд бўлиб, ҳ беш бўлимга бўлинган. Йиллик планнинг бажарилишига барча бўлим ва бригадаларнинг қўшган ҳиссаси салмоқли бўлди. Теримнинг дастлабки кунидан бошлаб ишни ипатоволиклар методи асосида олиб борилганлиги яхши натижа берди. Далаларда 51 та терим агрегати жавлон уриб ишлади. Улар ёрдамида 4463 тонна «оқ олтин» териб олинди. «Пўлат от» чавандозларидан Усуб Абжигитов, Болтабой Мусулмонқулов, Хурбихон Абдуқодирова, Қулмирза Мамажоновларнинг ҳар бири ўз агрегатлари бункеридан 120—200 тоннадан дурдона тўқдилар.

СССР Олий Советининг депутати Анатолий Кан, Сергей Ким, Нурғози Мингбоев, Одил Икромов, Яхшибой Мирзақулов, Павел Пак, Анатолий Сон ва Семён Ли ўртоқлар бошчилик қилаётган бригада заршунослари қувончли ютуқларни қўлга киритдилар. Бригада заршунослари ҳозиргача ҳар гектаридан 35—55 центнердан хирмон кўтаришга муваффақ бўлишди.

— Теримда юксак натижаларга эришаётганлигимизнинг боиси, техникага суяниб иш тутилганлигидадир, — дейди колхоз раиси Григорий Югай. — Икки йилдирки, ишни ипатоволиклар методи асосида олиб боряпмиз. Натижада бирор агрегатнинг мавсумда бекор туриб қолишига йўл қўйилмаяпти. Терилган пахта даланинг ўзида тележкаларга агдарилиб, қабул пунктларига етказиб турилди. Ҳозир эса барча кўрак чувиш агрегатлари юксак унум билан ишламоқда. Биз планни бажарган бўлсакда, ҳали олдимизда социалистик мажбурият турибди. Буни ҳар қандай шароитда албатта бажарамиз.

Раис ҳақ гапни айтди. Дарҳақиқат, колхозда пахта йиғим-терининг энг масъулиятли даври бошланди. Пахтакорлар чаноқлардаги бирор миқдор «оқ олтин»ни ҳам нобуд бўлишига йўл қўймай, 8 минг тонналик мажбуриятларини сўзсиз эгаллаш учун курашаётирлар.

А. ФОЗИЛОВ,
Коммунистик районидаги «Правда» колхози.

САБЗАВОТ ЭКИЛМОҚДА

КАЛИНИН ва Оржоникидзе районларининг ихтисослаштирилган хўжаликлари сабзавотчилари 140 гектар ерга серҳосил «бинафша» саримсоқ пиёз уругини қададилар. Бу нав гектар бошига 15 тоннадан ортиқ ҳосил беради.

Тошкент областининг колхоз ва совхозларида совуққа чидамли сабзи, қизилча, карам ва бошқа сабзавотлардан 2 минг гектар ерга экилди. Мутахассисларнинг ҳисоблашича, кўкламда меҳнаткашлар дастурхонига ўттиз минг тоннадан кўпроқ эртаги сабзавот тортиқ қилинади.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти В. И. Ленин асарлари тўла тўпламининг 40-томини ўзбек тилида нашр этди.

Бу асарни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти босмага тайёрлади ва Тошкент полиграф комбинати чоп этди.

(ЎзТАГ).

ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Уч-тўрт кун бўлдики, Ўразмат ака ишхонасида кўринмайди. Кўплар ундан ҳафа. Нега дейсизми? Чунки, сартарошхона беркда ахир. Сартарошни далада, теримчилар олдида кўрганлар чеҳраси очилиб «гап бу ёқда экану беҳуда ундан ранжибмиз» дейишадиган бўлишди. Чунки, Ўразмат ака ишхонасида «ким келар экан», — деб кутиб ўтирмайди. У эрта тонг билан асбобларини олиб, кенг далаларда жавлон уриб меҳнат қилаётган ҳамқишлоқлари ҳузурига отланади.

«Победа» колхозининг 3-участкасидаги сартарошхона мудири ана шундай олий ҳимматли, қўли гул кишилардан.

— Ҳамқишлоқларимни фақат уйда ёки байрамлардагина эмас, балки меҳнат қилаётганларида ҳам гулгун очилиб юришларини истайман, — дейди биз билан суҳбатда сартарошхона мудири Ў. Отабоев.

Бекобод райони.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

28 ноябрь куни Кремлда СССР Олий Совети Президиуми Рансининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов раислигида СССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда тўқкизинчи чақириқ СССР Олий Советининг ўнинчи сессиясини ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилди.

Президиум аъзолари КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1978 йил) Пленуми якунларидан гоят мамнун эканликларини изҳор қилдилар. Президиум КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган ҳулосалар ва йўл-йўриқларни ўз фаолиятига асос қилиб олади, деб таъкидлаб ўтилди.

Пленум қарорларини изчиллик билан амалга ошириш, мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги давлат планини тўла ва ошириб бажариш КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини амалга оширишда, совет халқининг фаровонлигини юксалтириш юзасидан белгиланган программани бажаришда муҳим қадам бўлиб қолади, деб ишонч билдирилди.

Президиум СССР Олий Совети сессиясининг кун тартиби ва иш тартиби тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқди ва тегишли қарор қабул қилди.

СССР Олий Совети палаталари план-бюджет комиссиялари ва бошқа доимий комиссияларининг СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги давлат планини ва 1978 йилги планнинг қандай бажарилаётганлигини, СССРнинг 1979 йилги давлат бюджетини ва 1977 йил бюджетининг ижроси тўғрисидаги хисоботни дастлаб кўриб чиқиш борасидаги ишларни тугаллаш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. СССР Конституциясининг талабига мувофиқ СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1979 йилги давлат плани билан бир қаторда 1978 йилги планнинг бажарилишига доир масалаларни депутатлар муҳокамасига қўйиш шу сессиянинг ўзига хос хусусияти эканлиги таъкидлаб ўтилди.

СССР гражданлиги ҳақидаги қонун лойиҳаси хусусидаги ва СССР орден ҳамда медаллари билан мукофотлаш практикасини янада такомиллаштириш тўғрисидаги масалалар президиумнинг кун тартибига қўйилди. Гражданлик тўғрисидаги қонун лойиҳасини президиум номидан СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этиш ҳақида қарор қабул қилинди; СССР орденлари, медаллари ва фахрий унвонлари тўғрисидаги умумий Низом лойиҳасини тайёрлаш юзасидан президиум комиссияси тузилди.

Халқ депутатлари район, шаҳар советлари, шаҳарлардаги район советлари, посёлка ва қишлоқ советларининг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисидаги қонунга СССР Конституциясидан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш масаласи кўриб чиқилди. Халқ депутатлари советларининг ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисидаги қонун актлари уларнинг давлат, хўжалик ва миллий-маданий қурилишнинг турли соҳаларига раҳбарлик қилиш, территорияларнинг комплекс ривожланишини таъминлаш, юқори ташкилотларга бўйсунган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг фаолиятини координациялаш, қабул қилинадиган қарорларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш борасидаги ишларни яхшилаш учун жуда катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди. СССР Олий Совети Президиумининг тегишли фармонлари қабул қилинди.

Президиум I ва II группадаги Ватан уруши инвалидларига солиқ бўйича қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисидаги қонун лойиҳасини, ўнинчи чақириқ СССР Олий Советига сайлов ўтказиш ҳақидаги қарор лойиҳасини, шунингдек СССР Олий Совети сессиялари ўртасидаги даврда президиум томонидан қабул этилган бир қанча фармонларни СССР Олий Совети муҳокамасига қўйиш ҳақида қарор қабул қилди.

Давлат ҳаётига доир бошқа баъзи масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисда кун тартибидаги масалалар юзасидан СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, СССР Олий Совети Иттифоқ Совети планбюджет комиссиясининг раиси Г. И. Вашченко, Миллатлар Совети қонун лойиҳаларини тайёрловчи комиссиясининг секретари В. И. Прохоров, СССР Олий Судининг Раиси Л. Н. Смирнов, СССР Бош прокурори Р. А. Руденко сўзга чиқдилар.

Масалаларни муҳокама қилишда В. В. Гришин, Д. А. Қунаев, Г. В. Романов, В. В. Шчербицкий, П. М. Машеров, Ш. Р. Рашидов, А. Ф. Ватченко ва президиумнинг бошқа аъзолари қатнашдилар.

(ТАСС).

„Оқ олтин" хирмонига

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 28 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида: биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан, мавсум бошидан буён машинада терилгани):

Бўка	0,48	107,81	107,30
Ғалаба	0,11	106,31	106,76
Чиноз	0,55	105,55	106,58
Янгийўл	0,40	103,02	115,72
Бекобод	0,43	102,85	93,08
Ўрта Чирчиқ	0,27	102,25	104,10
Коммунистик	0,07	101,08	101,80
Пискент	0,86	92,07	72,47
Оққўрғон	0,66	83,98	84,17
Область бўйича:	**0,45**	**100,12**	**97,86**

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ТАРБИЯВИЙ ИШ ФОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

КПСС XXV съезди қарорларида меҳнат коллективларни ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишларга комплекс ёндошув нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланган эди. Бекобод шаҳар темирйўл ва автомобиль транспорти ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти меҳнат, аҳлоқий ва ғоявий-сиёсий тарбия ишлари кўламини йил сайин кенгайтиришга катта эътибор берянти. Участка, колонна, устахоналарда мусобақанинг турли формалари карор топган. Ҳамма беш йилликнинг муддатидан олдин бажариш, сифатли ва самарали ишлаш юзасидан ўтказилаётган мусобақага жалб этилган.

Мусобақа меҳнаткашларни тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат килмоқда. Корхонада ўтган ойлар топшириғи барча кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан адо этилди. Р. Султонов, Г. Лебедев, Н. Тараненко каби ишлаб чиқариш илғорлари ҳозир ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Коммунист Усмон Тоҳиров бошлиқ коллектив эришаётган муваффақиятлар ҳам барчани қувонтирмоқда. Бу бригадага 14 киши бирлашган. Улар бир неча йилдирки, қолоқларсиз ишлаб келмоқдалар. Илғор бригада август ойидаёқ йиллик планни бажариб қўйган эди. Ҳозир эса 1979 йилнинг биринчи кварталги топшириғини адо этиб қўйишди. Илғорлар ЛР-60 маркали темир-бетон новларни ташишда янги усулни ўйлаб чиқдилар. Улар машиналарга олтита ўрнига 8 та новни ортиш йўлини топдилар. Бу билан меҳнат унумдорлиги 30 процентга ортди.

Бирлашмада ғоявий-сиёсий тарбия ҳам намунали йўлга қўйилган. «Билим» жамияти аъзолари ўтган ойларда коллектив ўртасида 200 га яқин лекция ва суҳбат ўтказдилар. Бирлашмада икки йилдан бери халқаро алоқаларнинг ҳозирги проблемаларига оид лекторий ишлаб турибди. 60 га яқин агитация кадрлари лекторий машғулотларини олиб бориша жалб этилган. Партия комитети сиёсий маориф шоҳобчаларида бўлиб ўтаётган ўқув машғулотлари самарадорлигини оширишга ҳам эътиборни қаратган. Ҳар йили агитация кадрлари аттестация қилиб борилади. Энг яхши кадрлар пропагандистликка танлаб олинади.

Бирлашмада коммунист Б. Нечаев бошлиқ кўргазмали агитация комиссияси тузилган. Бу комиссия аъзолари участкаларда кўргазмали агитация таъсирчанлигини ошириш билан шуғулланмоқдалар. Стендлар, панноларда илғор тажрибалар турли формаларда ёритилмоқда, автотранспорт корхоналарида тўпланаётган янгиликлар пропаганда қилинмоқда. Мусобақа давомида ўрнатилаётган рекордлар, ҳамма учун намуна бўладиган тажрибалар деворий газета орқали бутун коллективга етказилмоқда.

Бирлашма коммунистларининг ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган партия комитети секретари В. Бабочкин, музокарада қатнашган механик Ю. Дадабоев, бош механик Ғ. Мақсудов, мураббийлар Совети раиси Р. Маматов ва бошқа ўртоқлар ишлаб чиқаришда ва тарбиявий ишни ташкил этишда эришган ютуқларни фахр билан тилга олдилар. Айни пайтда улар хўжалик ва идеология ишларини бир маромда олиб боришда партия комитети олдида турган вазифаларни ҳам уқтириб ўтдилар.

Ҳали ҳам техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этмовчилар, кўча қоидаларини бузувчилар коллективда йўқ эмас. Участкаларда меҳнат интизоми талаб даражасида ташкил этилмаган. Айрим ҳоларда машиналар сабабсиз рейса чиқмайди. Бу тарбиявий ишлар таъсирининг сустлигини кўрсатади. Йиғилишда танқид ва ўз-ўзини танқидни авж олдириш керак. Бунда мураббийлар алоҳида роль ўйнашлари керак. Улар ёшларнинг юриш-турмуши билан яқиндан танишишлари, тўғри йўлга солишлари, ҳунар ўргатишлари лозим. Йиғилишда билдирилган танқидий мулоҳазалар, сўзсиз, бирлашма партия ташкилоти ишини янада жон лантиришга хизмат қилади.

С. БОИМУРОДОВ.

ТАЛАБЧАНЛИК ОШИРИЛСИН

«Далварзин» пахта тозалаш заводи коммунистлари хўжалик йилини муваффақиятли якунломоқдалар. Коллектив Зирабулоқ пахта заводи ташаббусига қўшилиб, иш сифати ва самарадорлигини тобора оширмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш топшириқлари ойма ой муваффақиятли бажариб келинмоқда. Коммунистларнинг бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган завод партия ташкилоти секретари А. Воҳидов, бу ютуқларни алоҳида тилга олиб ўтди.

Коммунистлар партия бюроси фаолиятини муҳокама қилиш давомида асосий эътиборни ҳисобот даврида бажарилмай қолган ишларга қаратдилар. Корхонада иш вақтидан унумли фойдаланиш, резервларни ишга солишга эътиборсизлик билан қаралмоқда.

Партия ташкилоти ҳисобидаги 39 коммунистнинг кўпчилиги бевосита цехларда меҳнат қилмоқда. Партбюро ҳар бир коммунистнинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш устида қатор тадбирларни амалга оширди. Лекин тадбирлар самарадорлигини ўстириш устида кам қайғурилди. Корхонада сифат кунларини ўтказиш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ёш коммунистлар билан ишлаш, партиявий топшириқларнинг бажарилишини текширишга эътибор қилинмаянти.

ЦехларарО, ишчиларарО мусобақаларни ташкил этиш формаларини такомиллаштириб бориш зарурлигини музокарада чиққан коммунистлар алоҳида уқтириб ўтдилар. «Социализм» пахта пункти ўтган мавсумги ишлар намунали ташкил этилди. Айни пайтда «Чаноқ» ва «Узбекистон» пахта пунктлари 180 минг сўмлик зарар келтирди. Бу технологик ускуналарнинг беҳуда тўхтаб қолиши, Н. Ветров, Н. Миразизов, Н. Эрназаров каби коммунистларнинг ўз вазифасига совуққонлик билан қараши натижасида рўй берди. Партбюро масъулиятсиз коммунистларни муҳокама қилмади. Уларга нисбатан талабчанликни оширмади.

Сўзга чиққан завод директори Н. Бобоев, слесарь-созловчи И. Усмонов, ишчи М. Акромов, уруғчилик агрономи Б. Зинченко ва бошқа ўртоқлар бир қатор қимматли таклифлар билан чиқдилар.

Партбюро коммунистлар сафини кенгайтириш, ёшлар билан ишлаш устида кам қайғуряпти. Заводда 50 дан ортиқ комсомол аъзоси бор. Ҳисобот даврида фақат икки киши партия аъзолигига қабул қилинди. Бу жуда ҳам камдир. Корхонада фидокор ёшлар сафи ой сайин кенгайиб бораяпти. Комсомоллар ҳисобига партия сафларини кенгайтириб бориш эътиборда бўлиши керак.

Заводда кишиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитларни яратиб бериш лозим. Ҳозир 300 ўринли клуб ишлаб турибди. Лекин клубда оило борилаётган оммавий-сиёсий ишлар талаб даражасида эмас.

Партия мажлисларида, партбюро йиғилишларида муҳим қарорлар қабул қилинади. Лекин қабул қилинган қарорларнинг ҳаммаси ҳам бажарилмаянти. Қарорларни бажаришга барча коммунистлар жалб этилмайди. Партбюро бундан буён ҳар бир коммунист учун конкрет вазифа белгилаши ва шу топшириқнинг бажарилишини ундан талаб қилиши керак.

Йиғилишда мураббийлик ҳаракатини ривожлантириш устида конкрет гаплар бўлди. Ҳалил Бобоев, Бобо Жуманазаров, Осмон Билолов каби тажрибали ишчилар корхона эришаётган ютуқларга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар корхонанинг ҳурматли кишиларидир. Лекин ветеранлар тажрибасини оммалаштириш, улар тимсолида ёш ишчиларни тарбиялаш масаласи билан жиддий шуғулланилмаянти.

Йиғилиш танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида бўлди. Коммунистлар билдирган фикр ва мулоҳазалар партбюронинг бундан буёнги фаолиятига ижобий таъсир ўтказиши табиий. Янги состав ана шу фойдали таклифларни амалга ошириш устида астойдил қайғуриши керак.

М. РЎЗИМАТОВ.

«Узсельхозтехника»нинг Тошкентдаги тажриба ремонт-механика заводи гидравлик пресслар тайёрлаш цехи ишчилари ўртасида ўнинчи беш йилликни муддатидан илгари бажариш учун ўзаро мусобақа қизғин тус олган. Унда иштирок этаётган айрим ишчилар норматив 1,5 баравар ва ундан ҳам ошириб бажаришяпти. Ушбу суратда шу кунларда ўнбиринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилаётган илғор йиғувчи слесарлардан Тоҳир Мирзаев, Ҳабибулла Тавхидов, Анатолий Корешонковларни ўзаро суҳбат вақтида кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

ЧЕВАР ҚИЗЛАР

Пойтахтимиздаги бадиий буюмлар фабрикасининг маҳсулоти биргина мамлакатимизда эмас, балки қардош социалистик мамлакатларда ҳам машҳурдир. Улар тайёрлаётган йигирмадан ортиқ маҳсулот Иттифоқимизнинг ўттиздан ортиқ шаҳрига, чет элларга юборилмоқда. Айниқса, миллий нақшлар бериб тайёрланган сўзана, чойшаб, дўппилар аҳолига жуда манзур бўлмоқда. Халқаро ярмаркаларда фабрика маҳсулоти юксак баҳоланаётир.

Фидокорона меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг кўпчилиги ёшларни ташкил қилади. Бу ерда биргина ўзбек дўпписидан 16 хили тайёрланмоқда. Шулардан саккизтаси, яъни «Ироқи», «Чоргул», «Нозик» сингари дўппилар Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилмоқда. Яқинда ўзлаштирилган сўзанага ҳам Сифат белгиси берилди. Марғуба Насриддинова бошлиқ попоп участкасининг комсомол-ёшлар бригадаси йил бошидан бери ўзаро социалистик мусобақада икки марта ғолиб чиқишди. Чеварлар тайёрлаётган маҳсулотлар Германия Демократик Республикасида яқинда ўтказилган халқаро виставкада яхши баҳоланди.

ОТАЛИҚ ТАШКИЛОТЛАР БУЮРТМАСИ

57-ҳунар-техника билим юртининг ўқувчилари база корхона ҳисобланган «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта буюртмасини бажардилар. Улар турли номдаги қирқ минг донадан кўпроқ детални тайёрлаб, ана шу корхонага етказиб бердилар. Бу деталлар қишлоқ хўжалик машиналарини йиғиш чоғида қўлланилади.

Бу билим юрти шаҳардаги саноат корхоналарининг буюртмалари асосида ҳар йили юз минг сўмликдан знёд комплектлаш деталларни тайёрлаб бермоқда.

(ЎзТАГ).

ЧЎЛҚУВАРЛАР ЖАСОРАТИ СЎНМАЙДИ

Дам олиш соатида теримчи студентлар бригада дала шийпонига қайтишди. Бугун Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти олимларидан тузилган махсус бригада бу ерга меҳмон бўлиб келган. Улар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» эсдалик китоби юзасидан студентлар билан жонли суҳбат ўтказишмоқчи.

Суҳбатни тарих фанлари кандидати С. Содиқов бошлаб берди. У «Қўриқ» китобининг мазмуни ва аҳамиятини студентларга қаётий мисоллар билан тушунтириб берди. Шундан сўнг студентларнинг ўзлари сўзга чиқиб, китобдан олган таассуротларини ҳикоя қилдилар...

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти студентлари ҳозир Жиззах область Мирзачўл районидаги 21-, 22-, ва 22-А совхозларида етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини йиғиб-териб олишда пахтакорларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Шу кунгача улар йиғиб топширган ҳосил 3 минг тоннадан ошиб кетди.

Иягим-теким давомида студентлар Мирзачўлни ўзлаштиришга биринчилар қатори келган кишиларни кўрдилар, улар билан суҳбатлашдилар. Шу аъзаматлар ҳам худди «Қўриқ» китобида тасвирланган қаҳрамонларга ўхшаб кетар эди.

«Қўриқ» китобини ўрганишга бағишлаб ўтказилган суҳбатларни фалсафа фанлари кандидати Э. Юнусов, педагогика фанлари кандидати К. Хошимов, тарих фанлари кандидати Л. Абрамова ва бошқа олимлар давом эттиришди. Олимлар Ўзбекистон чўлларини ўзлаштиришда фидокорлик кўрсатаётган замондошларимиз ҳақида сўзлаб бердилар.

Сўзга чиққан химия-биология факультети V курс студенти М. Щерхонова, индустриал педагогика факультети III курс студенти А. Умрқулов, музика факультети IV курс студенти С. Эрназаров ва бошқалар ёшларни меҳнатсевар қилиб тарбиялашда китоб катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Студентлар чўлқуварлардек мардона туриб меҳнат қилишга, етиштирилган барча ҳосилни тўла йиғиштириб олиб, эл хирмонига топширишга сўз бердилар.

ДУНЁ ОВОЗИ

ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ЭРОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

НЬЮ-ЙОРК, 27 ноябрь. (ТАСС). Информация агентликларининг Техрондан олган хабарларига қараганда, Эроннинг миллионлаб аҳолиси кеча оппозициячи миллий фронтнинг ҳамда бир қанча диний арбобларнинг ўтган ҳафта Машҳадда тинч намойиш иштирокчиларининг ўққа тутилганлигига қарши норозилик юзасидан ялпи иш ташлаш тўғрисидаги чақириғига амалий жавоб бердилар. Машҳаднинг ўзида шаҳар кўчалари бўйлаб ўтган мотам намойишида 1 миллиондан ортиқ киши қатнашди. Жоржан, Кум, Ризоя, Жонбед, Исфаҳон, Решта шаҳарларида ва бошқа кўпгина шаҳарларда ҳукуматга қарши оммавий намойишлар бўлиб ўтди. Бир томондан намойишчилар ва иккинчи томондан солдатлар ва полиция ўртасида бир неча марта қонли тўқнашувлар бўлиб ўтди. Ҳукуматга қарши намойишларни бостириш учун ёш оқизувчи гранаталар, қурол-яроғлар ишлатилди. ЮПИ агентлигининг хабар беришича, баъзи маълумотларга кўра Жоржан шаҳрининг ўзидагина 35 киши ўлдирилган.

Исфаҳон шаҳрида кўп жойда ёнғин чиқди. Электр чироқлари ўчди, телефон алоқаси узилди. Маҳаллий ҳарбий маъмурлар комендантлик соати яна 4 соатга узайтирилганлигини эълон қилдилар. Техронда, шунингдек вилоят шаҳарларида, магазинлар, бозорлар, кўпгина давлат муассасалари, ҳусусий фирмалар ёпилди. «Арьямеҳр» технология университети районида ва баъзи марказий кўчаларда ҳукуматга қарши шиорлар остида кўп кишилик намойишлар бўлиб ўтди. Намойишчиларни тарқатиб юбориш учун армия бўлинмалари ва полиция отрядлари ташланди. Маъмурлар Техрон университети, марказий бозор, АҚШ билан Буюк Британия элчихоналари жойлашган районларни қўриқлаш учун қўшимча қўшин ажратдилар. Илгари бу районларда намойишчилар билан хавфсизлик кучлари ўртасида энг шиддатли тўқнашувлар бўлиб ўтган эди.

Теҳрон нефть тозалаш заводининг иш ташлаган ишчилари кеча яна Эрон миллий нефть компанияси штаб квартирасига келиб, Эрон нефтчиларининг яқинда бўлиб ўтган стачкалари раҳбарларини озод этишни талаб қилдилар. Аммо бу гал ҳам полиция ишчиларни компания биносига йўлатмади ва уларга қарши ёш оқизувчи гранаталар ташлади. Эрон миллий нефть компанияси биносининг ўзида хизматчилар иш ташлаган ишчиларнинг талабларига бирдамлик юзасидан намойиш ўтказишга уриниб кўрган эдилар. Аммо полиция уларни тарқатиб юборди.

ЮПИ мухбири хабар беради: бундан икки кун олдин иш ташлаган Эрон марказий банкининг ходимлари кейинги ойларда АҚШ, Ғарбий Европа ва Исроил банкларига ғайри қонуний равишда 2,4 миллиард доллар маблағларини шахсий ҳисобларига ўтказган 144 олий амалдор рўйҳатини эълон қилдилар. Бу рўйхатда собиқ бош министр Хомузгар илгариги ва ҳозирги министрлар армиянинг олий амалдорлари бор.

Ҳарбий ҳукумат бошлиғи Азҳарий Эрон аҳолиси турли табақалари вакилларининг делегациясини қабул қилди ва уларнинг ҳузурида сўзлаган нутқида мамлакатдаги ички сиёсий тангликнинг кучаяётганлигига доир бир қанча масалаларга тўхталди. Бош министр илгариги нутқларида айтганидек, бу сафар ҳам ҳукумат ҳазинани талаган ва порахўрлик қилган барча шахсларни судга беришини таъкидлади. У, шунингдек маъмурлар «мамлакатда вужудга келган ҳозирги хавфли вазиятнинг сабабларини тугатишга» аҳд қилганлигини уқтириб ўтди. Азҳарийнинг сўзидан маълум бўлишича ҳарбий ҳукумат режимига қарши ҳаракатни бостириш мақсадида бундан кейин куч ишлатиш ниятидадир.

ХАЛҚАРО СЕМИНАР

ЛОНДОН, 27 ноябрь. (ТАСС). Тинчликсевар кучлар жаҳон конгрессининг ташаббуси билан бу ерда ўтказилаётган «Қурол-яроғ ишлаб чиқаришдан қутулиш йўллари» деган халқаро семинар иш бошлади. Семинарда қуролланиш пойгасини жиловлаш, уруш хавфини тугатиш, халқлар ўртасида ҳамкорликни кенгатириш проблемалари муҳокама қилинмоқда.

Семинар ишида 17 мамлакат, шу жумладан СССР вакиллари, бир қанча касаба союз ва жамоат ташкилотларининг намояндалари қатнашмоқдалар. Семинар қатнашчиларининг нутқларида тараққийпарвар кучларнинг халқаро кескинликни юмшатишни мустаҳкамлашни таъминлашга қодир эканликларига ишонч сўзлари янграмоқда.

АҚШ президенти Ж. Картернинг нейтрон қурол «асосий қисмлари»ни ишлаб чиқаришга киришиш тўғрисида яқинда қабул қилган қарори, жумладан, қуролланиш пойгасини кучайтириш йўлини очади, деди жаҳон тинчлик кенгашининг президенти Ромеш Чандра.

Қуролланиш пойгаси учун қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи корхона эгаларининг ҳамда «совет хавфи» деган машъум гапни такрорлаётган сиёсий арбобларнинг манфаатларини ифодаловчи буржуа пропаганда машинаси ҳам айбдордир, деб таъкидлади сўнгра у. Аслида айни СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган конкрет таклифларни ўртага қўймоқдалар.

МУҲИМ ДАВР

ДЕҲЛИ. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қилган расмий визитининг 5 йиллигига бағишлаб Калькуттада ҳинд жамоатчилигининг оммавий митинги бўлиб ўтди.

Ҳиндистон — Совет маданий алоқалар жамиятининг ғарбий Бенгалия штатидаги бўлимининг бош секретари П. Гуха бундай деди: Совет—Ҳиндистон шартномаси ҳар иккала мамлакат ўртасидаги анъанавий мустаҳкам дўстона алоқаларнинг мантиқий мужассамланишидир. Л. И. Брежневнинг визити шу мустаҳкам дўстона алоқаларни янги босқичга кўтарди, ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшди. Мана шунинг учун ҳинд халқи бу тарихий санани СССР билан Ҳиндистон ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорлик бундан буён ҳам янада мустаҳкамланишига қатъий ишонган ҳолда завқ-шавқ билан нишонламоқда.

(ТАСС).



ФРАНЦИЯДА маориф ходимларининг оммавий чиқишлари бўлиб турибди. Улар олий мактаб эҳтиёжларига давлат маблағларини кўпайтиришни, ўқитувчиларни иш билан тўла таъминлашни талаб қилмоқдалар: Суратда: Сорбонна университети ўқитувчилари ва студентлари намойиши.

АФП — ТАСС телефотоси.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

ЛОНДОН. Қуролланиш пойгасини жиловлаш, халқлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш, янги уруш хавфини тугатиш — планетадаги барча тинчликсевар кучларнинг энг асосий вазифасидир. Бу ерда «қурол-яроғ ишлаб чиқаришдан қутилиш йўллари» мавзуида ўтказилган семинар иштирокчилари шундай деб таъкидладилар: семинар ишида 17 мамлакат, шу жумладан СССР намояндалари қатнашмоқдалар.

ДАККА. Бангладешдаги давлат ўрта мактаблари ўқитувчиларнинг 54 кун давом этган забастовкаси ғалаба билан тугади. Ўқитувчилар иш ҳақининг кўпайтирилишини меҳнат шароити ва маориф системасининг яхшиланишини талаб қилдилар. Маъмурлар шу талабларни қондиришга ваъда бергандан кейин иш ташлаш тўхтатилди.

ТОКИО. Японияда улгуржи нархлар тобора ошиб бормоқда. Айниқса йил бошидан бери пўлат прокати нархи анча кўп — 20 процент ошди. Кейинги ойларда рангли металлар нархи 13—16 процент кўпайди. Калава, фанер ва шу сингарилар ҳам қимматлашди.

Экономистларнинг уқтириб ўтишича, мамлакатда иқтисодий тушкунлик давом этаётган бир пайтда нарх-навонинг ўсиши чайқовчилик натижаси бўлиб асосан биржалардаги найранглар туфайли келиб чиқади.

(ТАСС, 27 ноябрь).

ТИНЧ ҚУРИЛИШ ВАЗИФАЛАРИ

АДДИС-АБЕБА. Эфиопия революцияси халқаро империализм ва ички реакция билан олиб борилган тўрт йиллик шиддатли курашдан кейин ўз мавқеини мустаҳкамлаб олди. Эндиликда революция олдида тинч қурилиш, социализмга ўтиш учун пойдевор яратиш вазифаси турибди, деди Эфиопия муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши бош секретарининг ўринбосари Фиссаху Деста.

У халқлар оммасини марксизм-ленинизм принциплари асосида сиёсий жиҳатдан тарбиялаш зарурлигини таъкидлади ва ишчиларни, деҳқонларни ҳамда зиёлиларни Эфиопиянинг иқтисодий ва сиёсий тараққиёти йўлида зўр ғайрат билан меҳнат қилишга чақирди.

(ТАСС).

АНГОЛА ХАЛҚИГА МУРОЖААТ

ЛУАНДА. Бу ерда революцион кенгаш Ангола халқига мурожаат қилиб, уларни революция ғалабаларини ва территориал бутунликни муҳофаза қилиш ишида хушёрликни кучайтиришга чақирди. Мамлакатнинг ташқи ва ички сиёсатини белгилаб берувчи шу давлат органининг президенти А. Нето раислигида ўтган мажлисида ташқи сиёсий йўлнинг, Анголани социалистик йўлдан ривожлантиришнинг ўзгармас эканлиги таъкидланди.

Революцион кенгаш оммани МПЛА — меҳнат партияси I съездининг қарорларини, биринчи навбатда иқтисодий қурилиш соҳасидаги қарорларини бажаришга сафарбар этиш тадбирларини белгилади.

(ТАСС).

ДАСТГОҲЛАР УСТИДАГИ ЧИРОҚЛАР

ТЕЖАМКОРЛИК УЧУН КУРАШ — ҲАММАНИНГ ИШИ

Моҳир слесарь Шариф Ражабов ўз станоги тепасида қулай жойга ўрнатилган лампани ёқди-да, дастгоҳини ишга туширди. Шу зайлда иш бошланиб, зарур деталларни бирма-бир шитоб билан ишлашга киришди. Бундай электр лампалар цехдаги мавжуд ҳар бир станокнинг тепасида, ҳар бир слесарнинг бажарадиган иши ёнгинасида ўрнатилган.

Иш жойини бу усулда ёритиш усули Тошкентдаги «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг деярли ҳамма цех ва участкаларида кенг жорий этилди. Корхона рационализаторлари томонидан таклиф этилган ва коллектив маъқуллаган бундай ёритиш усули ўзининг ғоятда қулайлиги ва бошқа яхши жиҳатлари билан кишиларга манзур бўлди. Бундай усул аввал корхонада кенг авж олган хом ашё, материал, ёқилги ва бошқа маҳсулотларни тежаб-тергаш, иқтисод қилиш учун бошланган ҳаракат натижасида вужудга келган янгиликлардан бири ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам электр қувватини иқтисод қилиш йўлида қўйилган бу дастлабки қадам ўзининг ниҳоятда афзал томонларини кўрсатмоқда. Чунончи, илгари цехларда ҳатто кундуз кунлари ҳам кўплаб электр қуввати сарфлайдиган машъала чироқлар ёқилиб, кўплаб энергия беҳисоб сарф бўлар эди. Эндиликда корхонада бунга чек қўйилди. Бу билан машинасозлар бир йил давомида 17 минг киловатт-соат электр қувватини тежаб қолишга муваффақ бўлмоқдалар.

Электр чироқларнинг айнан станокларимиз тепасида бўлиши бизнинг янада аниқроқ ва яхшироқ ишлашимизга ёрдам берянти, — дейишади слесарь-ишчилар.

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи электр қувватини мумкин қадар иқтисод қилиш учун бошланган мусобақага қўшилиб, ғоятда кўпдан-кўп резерварни қидириб топишга эришдилар. Масалан, сўнгги даврда эскирган ўнларча ускуналар, машина ва механизмлар замонавийлари билан алмаштирилди. Ҳозирги кунда цехлар ва участкаларда ҳамда бошқа узелларда универсал агрегатли дастгоҳлар, кўплаб йиғув стендлари ва катта унум билан ишлайдиган бошқа техника асбоб-ускуналари ишлатилмоқда. Янги дастгоҳлар эски станокларга қараганда камроқ энергия сарфлаб, кўпроқ иш бажарилишига кўмаклашмоқда.

Корхонанинг ижодий коллективи электр қувватини тежаб-тергашда ускуналардан самарали фойдаланиш, айниқса, металлургия ускуналари ишлатилаётган пайтда унинг бекорга ишлаб туриш вақтини мумкин қадар қисқартириш ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини таҳлил этиб кўришди. Айниқса, металларни қайта ишлаш учун уларни қизитиш пайтида печларнинг иссиқлик ҳажмидан тўла фойдаланиш учун назорат йўлга қўйилганлиги ва бунга қатъий риоя қилинганлиги ҳам ишда қўл келаяпти.

Яна шу нарса диққатга сазоворки, корхонада кўпгина станоклар ярим автомат ва тўла автомат режимларида ишлашга кўчирилган. Ўзўзидан маълумки, бу ҳам ўз навбатида яна бир неча ўн минг киловатт электр қувватини иқтисод қилиб қолиш имкониятини беради.

«Узбексельмаш»чилар иқтисод қилиш борасида юзаки қараганда «икир-чикир» бўлиб кўринган нарсаларда ҳам тежамкорликка эришиш туфайли кўпдан-кўп маблағларни асраб қолиш мумкин эканлигини тажрибада синовдан ўтказишди. Масалан, баъзилар ҳоналарни оқлаш, дераза ойналарни мунтазам ювиб туриш пайтида ҳам, электр тармоқларини ремонт қилиш кезларида ҳам электр қувватини тежашга эътибор кучайтирилган бир ғоларда бунга даб-дурустдан эътироз билдиришган ҳам эди.

Лекин бундай эътирозларга эътибор бериш ишнинг белига тепиши мумкин эди. Бу соҳада айниқса электрикларнинг ўзлари жонбозлик кўрсатишди. Чунончи, улар кундуз кунлари ишдан ташқари пайтларда лампочкаларнинг бекорга ёниб туришига мутлақо йўл қўймаслик учун қатъий курашдилар. Бундан ташқари улар якшанба кунлари ва байрам кунлари трансформаторларни ва бошқа нозарур ёритиш манбаларини ишлатмасликка алоҳида эътибор бердилар.

Мана, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи электр қувватини иқтисод қилиш йўлидан бориб, 800 минг киловатт-соат электр қувватини тежаб қолишга муваффақ бўлди. Бу эса социалистик мажбуриятда кўзда тутилганидан 50 минг киловатт-соат ортиқ.

Машинасозлар қишлоқ меҳнаткашларига кўпроқ машина ва механизмлар етказиб бериш ишида ҳам талай ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Иқтисод ва тежамкорлик учун олиб борилаётган кураш бу соҳада уларга ниҳоятда кўл келмоқда. Корхонанинг фидокор машинасозлари ўзларининг ана шундай машаққатли, шу билан бирга ғоятда шарафли ишларида янгидан-янги ютуқларни қўлга киритиш учун тағин ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар. Коллективнинг меҳнат мороми шундай давом этмоқда.

Я. ТУҲТАЕВ.

ҲОСИЛНИНГ БИР ГРАММИНИ ҲАМ НОБУД ҚИЛМАЙ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛАЙЛИК

Етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда пойтахт шаҳри меҳнатчилари колхозчиларга яқиндан ёрдам бераётирлар. Суратларда: «Миконд» заводининг инженери С. Баязитова, шу завод лаборанти Д. Обидова, С. Раҳимов районидаги 219-мактаб пионер вожатийси Р. Азизовалар Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз далаларида. Улар белгиланган нормани ошириб бажаришмоқда.

Ҳ. Мирзакаримов фотолари.

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

БУ йилги оби-ҳаво қийинчиликларини мардонавор енгган деҳқонларимиз пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Районимиз пахтакорлари ўз сўзлари устидан чиқиб, дастлабки ғалаба марасини эгаллаган эканлар, шубҳасиз, бунда бизнинг колхоз меҳнаткашларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Хўжалигимиз пахтакорлари бу йилги оби-ҳаво шароитларини ҳисобга олиб, оқилона иш тутдилар. Ғўза парваришларини юксак агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилди. Натижада, далаларимизда мўл ҳосил етиштирилди. Пахта йиғим-теримини юксак уюшқоқлик, ялпи сафарбарлик билан ўтказаётганлигимиз учун ҳам колхозимиз пахтакорлари районда биринчилар қатори ғалаба рапортига имзо чекишди.

Колхозимизнинг барча бригадалари аъзолари йиғим-теримда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишаётир. Ҳозир ҳам жуда катта меҳнат эвазига етиштирилган «оқ олтин»нинг бир мисколини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун кураш авж олиб кетган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Республика Министрлар Советининг барча меҳнаткашларга Муражаати кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиб юборди. Мен етакчилик қилаётган бригаданинг азамат пахтакорлари мавжуд 130 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан «оқ олтин» ҳосили йиғиштириб олиб, хўжаликда биринчилар қатори ғалаба рапорти бердилар. Давлат планида белгиланган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортларга сотилди.

Яқин кунлар ичида зиммамиздаги юксак социалистик мажбуриятни ҳам уддалаймиз. Лекин бу йиғим-терим ишларини сусайтиришга асос бўла олмайди. Биз мавжуд техника воситаларини, ишчи кучини даладаги ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратганмиз. Бу ишда бригадамизнинг дала гвардиячилари ҳал қилувчи роль ўйнамоқдалар. Улар оби-ҳавонинг ҳар бир қуруқ ва иссиқ вақтидан самарали фойдаланиб, иложи борича ўзларига бириктирилган кўрак териш машиналарини далага чиқаришга ҳаракат қилаётирлар. Теримда намуна кўрсатаётган дала гвардиячилари бу йилги мавсумда алоҳида ғайрат-шижоат кўрсатишмоқда. Улар ҳозиргача ўз агрегатлари бункерларидан 150—170 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

Пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда кўпминг килограммчилар ҳаракати ҳам алоҳида аҳамият касб этаётир.

Ҳали далаларимизда ҳосил кўп. Биз ўз имкониятларимизни қайта чамалаб чиқдик. Пахтакорларимиз давлатга яна 90 тонна «оқ олтин» етказиб беришга қатъий қарор қилдилар. Шунда бригадамиз бўйича етиштирилган пахта 520 тоннага етади.

Х. САИДИҒОЗИЕВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхознинг бригада бошлиғи, республикада хизмат кўрсатган пахтакор.

ИШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

ТОШКЕНТ область ижроия комитетининг ташкилий инструкторлик бўлими халқ депутатлари Олмалиқ шаҳар Советининг сессиялар, ижроия комитет кенгашларини ўтказиш, уларни тайёрлаш аҳволини ўрганди. Текширишлар шуни кўрсатдики, Олмалиқ шаҳар Советининг ижроия комитети ходимларнинг ўз ишларига масъулликларини ошириш, иш услуби ва методларини такомиллаштириш бўйича катор конкрет тадбирларни бажарди. Ижроия комитет ўз ишини перспектив ва квартал планлари асосида ташкил этмоқда. Советнинг сессиялари, ижроия комитетининг кенгашлари қонунчиликда белгиланган муддатларда ўтмоқда. Сессия ва кенгашларда бўлимлар, бошқармаларнинг ўзларига тегишли ташкилотларга раҳбарликлари бўйича меҳнаткашлар хат ва шикоятларига муносабатлари, қарорларнинг ижроси юзасидан ҳисоботларини тинглаш кўпроқ амалга жорий этилаётир.

Шу йилнинг ўн ойи ичида ўнта ҳисобот тингланган бўлиб, шулардан иккитаси ижрони назорат қилиш, учтаси гражданлар хат ва шикоятлари билан ишлашга бағишланди.

Сессияларда қилинадиган докладлар мазмунан бойиди, конкретлашди. Шаҳар Советининг ижроия комитети бир йилдан бўён сессияга масалалар тайёрлашда махсус тузилган комиссия хизматидан фойдаланмоқда. Хусусан сессиядан бир ой аввал масалани тайёрлаш бўйича у ёки бу тармоқни яхши биладиган кишилардан иборат комиссия тузилади. Бу ишга жамоатчилик активлари ҳам жалб этилади. Сессияларда, кенгашларда доимий комиссиялар қўшимча докладлар билан чиқмоқдалар. Бу йил ана шу комиссиялар иштирокида сессия ва кенгашларда анчагина масалалар муҳокама қилинди. Уларнинг асосий мавзуси партия XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларини амалга ошириш, Советларнинг ташкилотчилик ролини кучайтиришга қаратилди.

Йил бошидан буён саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналарининг иши тўғрисида 35 масала, маданият, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш мавзусида 26 масала, савдо, умумий овқатланишни яхшилаш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражасини ошириш тўғрисида 24 масала муҳокама этилди.

Шаҳар ижроия комитетининг сессия ва кенгашларини ўтказиш бўйича иш услубини такомиллаштириш тўғрисидаги тажрибаси қабул қилинаётган қарорларнинг таъсирчанлигини оширди, маълум даражада уларнинг ижросини назорат қилишни кучайтирди. Агар 1977 йилда планли масалаларни кўриб чиқишда узилишларга йўл қўйилган бўлса, бу йил белгиланган масалаларнинг ҳаммаси ўз вақтида кўриб чиқилди.

Контроль остига олинган ҳар бир масала учун алоҳида папка ташкил этилган бўлиб, унда текширишлар натижаси, бўлимлар, бошқармалар, корхоналарнинг, ташкилотларнинг белгиланган тадбирлар тўғрисидаги жавоблари ва ахборотлари йиғиб борилади. Қарорларнинг ижросини яхшилаш учун штатсиз назорат инспекцияси ташкил этилган.

Айрим ҳолларда ижроия комитет кенгашларининг кун тартибига жуда ҳам кўп масалалар қўйилади. Хусусан шу йили 2 февралда бўлиб ўтган кенгашда 31 та масала бўйича қарор қабул қилинган. Ҳатто бир масала юзасидан бир неча бор қарорлар қабул қилинганлиги тўғрисида ҳам фактлар мавжуд. Масалан, бу йил «Шаҳсий автомобиль эгалари учун коллектив гараж қуриш ва ундан фойдаланиш» тўғрисидаги масала олти марта кўрилган, уларнинг ҳаммасида бир гапдан нарига ўтилмаган. Шаҳар ижроия комитети сессиялари ва кенгашларида хўжалик, социал, маданий соҳаларнинг ҳаммасига оид масалалар камраб олинмоқда деб бўлмайди.

Советнинг сессияларида депутатларга илгари қабул қилинган қарорларнинг ижроси тўғрисида, билдирилган мулоҳазаларнинг амалга оширилиши ҳақида етарли маълумотлар берилмайди. Халқ вакилларининг наказларини қандай бажараётганликлари билан қизиқиш кам. Депутат сўрови ҳуқуқидан ҳам етарли фойдаланилмаяпти. Бу йил шаҳар Советининг сессияларида бор йўғи учта сўров билан мурожаат қилинган холос.

Шаҳар ижроия комитетининг аппарати, бўлимлари ва бошқармаларида ўз қарорларининг ижросини назорат қилиш яхши йўлга қўйилмаган. Хусусан шу йилнинг август ойида ижроия комитет архитектура бўлими ва турар-жой бошқармасининг ижрони назорат қилиш тўғрисидаги ҳисоботи юзасидан қарор қабул қилган, ҳамда бу ишдаги камчиликлар батафсил кўрсатилган эди. Лекин назорат етарли бўлмаганлиги сабабли бу бўлимларда аҳвол ўзгармади.

Ўйлаймизки, шаҳар Советининг ижроия комитети бундан буён ана шу камчиликларни бартараф этиб, ўз фаолиятини юргизишда активликни янада оширади.

Н. ИВАНКИНА,
область ижроия комитети инструктори.

СОВЕТЛАР ҲАЁТИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ (1978 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ҒАМХЎРЛИК ЗАФАРЛАРГА ИЛҲОМЛАНТИРАДИ

ЯҚИН-ЯҚИНЛАРГАЧА ҳам пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиқ экинлари билан шуғулланувчи хўжаликлар учун чорвачилик иккинчи даражали бўлиб, айрим ҳолларда иқтисодий жиҳатдан зиён келтирувчи соҳа ҳисобланарди. Бундай нотўғри қараш-ларга партиямиз Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми чек қўйди. Чорвачиликни планлаштириш, бошқариш системаси такомиллаштирилди, ферма ва отарларни билимдон мутахассис кадрлар билан таъминлашга эътибор кучайтирилди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия Марказий Комитетининг июль Пленумида қилган докладида чорвачиликни ривожлантириш ҳақида сўз юритиб, бу соҳа совет кишилари моддий фаровонлигини оширишда муҳим роль ўйнашини ҳақли равишда таъкидлади. Гўшт, сут, тухум маҳсулотлари қанча кўпайса, истеъмол фонди ортади, мамлакат халқ хўжалиги тобора юксалади.

Колхозимизда чорвачилик кейинги беш йилликлар мобайнида илдам қадамлар билан ривожланмоқда. Партия қарорлари асосида чорва озуқаси тайёрлаш, моллар наслини яхшилаш, чорвадорлар меҳнати ва дам олиши учун етарли шарт-шароит яратиш тўғрисида ғамхўрлик кучаймоқда. Районда биринчи бўлиб 400 сигирга мўлжалланган чорвачилик комплексини қурдик. Мазкур комплекс сут тайёрлашни кўпайтириш, бузоқларни янада соғлом парваришлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Ҳозир бу ердаги 400 қорамолдан 340 таси соғин сигирлардир. Қолгани бўғоз сигирлар бўлиб алоҳида бинода, ветеринария ходимлари назорати остида боқиляпти. Комплекс ёнида катта очиқ майдон бўлиб бу ерда моллар яйратилади. 1 килограмм сутга бир озуқа бирлиги тўғри келади (нормада 1,7 озуқа бирлиги белгиланган). 400 бош молга кунига 22 тонна беда, 1,5 тонна концентрат озуқа бериляпти.

Шу ўринда район колхозларароқ қурилиш ташкилоти раҳбарларига эътирозларимизни айтиб ўтишга тўғри келади. 1974 йилда фойдаланишга қабул қилинган комплекснинг камчиликлари ҳалигача бартараф этилмаяпти. Атроф девори битказилмаган, комплекс ичидаги айрим участкаларда анчагина қурилиш-монтаж ишлари ҳанузгача тугатилмаган. Моллар ёзда боқиладиган очиқ павильоннинг шиферлари биринчи шамолдаёқ учиб синиб кетди. Афтидан, қурувчилар бизнинг зона табиий шароитини ҳисобга олмаган кўринадилар. Агар қурилиш раҳбарлари ваъдаларини бажариб ана шу нуқсонларни бартараф этишса комплексда иш унумдорлиги янада ортган бўлур эди.

Ҳамма иш одамларга боғлиқ. Колхоз правленнеси ва партия ташкилоти чорвачилик кадрлари масаласини бир неча бор ўз мажлисларида кўриб чиқди. Чорвачилик комплекси малакали мутахассислар ва ишчи кучи билан таъминланди. Зоотехник-селекционер Пётр Ким олий маълумотли. Веттехник Сафар Қаршибоев, осеминатор Саидаҳмад Эшбоевлар ўрта махсус маълумотга эгадирлар. Бригадир Мамасоли Алимов бошлиқ молбоқар, бузоқбоқар ва сут соғувчилар умум иши учун жон қўйдирувчи колхозчилардир. Абдушукур Эрматов билан Мирза Абдуллаевлар боқаётган моллар соғлом ва семизлиги билан ажралиб туради. М. Абдуллаев ўз боқимидаги 90 сигирдан 90 та бузоқ олишга эришди. Олия Абдураҳмонова қарамоғидаги 60 та бузоқни илғор зоотехника талаблари асосида парвариш қилмоқда.

Шуниси қувончлики, колхозимизда чорвадорлар сафи қишлоғимиздаги мактабларни битириб чиқаётган ёшлар ҳисобига йилдан йил кенгаймоқда. Бу йил А. Навоий номли 29-ўрта мактабнинг битирувчи йигит-қизлари ўз тенгдошларини қишлоқда қолишга даъват этишганди. Ана шу ташаббускор фарзандларимиз ҳозирги кунларда пахта фронтида, чорвачилик комплексида ёшлик шижоатини кўрсатиб жавлон уришяпти. Ҳамида Умарова, Санъат Абдураҳмонова каби қизлар тажрибали сут соғувчиларимиздан Майрам Алимова, Руҳсат Бобоназарова кабилар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилишмоқда. Уларнинг аҳди ҳар бош сигирдан 4000—5000 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишдир.

Ана шундай фидокор кишилар меҳнат ғайрати туфайли давлатга чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш планларини муддатидан олдин ортиги билан адо этишга муваффақ бўлдик. Давлатга ўтган тўққиз ой ичида 64 тонна юқори сифатли гўшт сотилди, 1080 тонна сут сотилиб йиллик план 128,5 процентга етказилди. Шунингдек, 135 минг дона тухум топширишга эришдик. Молларнинг қариб 90 проценти зотли сигирлардан иборат. Чорва туёғи сони анча кўпайтирилди. **Бу ютуқлар учун бизга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Республика Министрлар Советининг Қизил байроғи доимий сақлаш учун берилди. Партия ва ҳукуматимизнинг бу ғамхўрлиги колхозимиз аҳлини янада улкан марралар сари илҳомлантирмоқда.**

Олдимизда катта довон—мавжуд чорва молларини қишловдан омон олиб чиқиш, маҳсулдорликни қиш пайтида ҳам камайтирмаслик вазифаси турибди. Бу вазифанинг муваффақиятли ҳал этилиши мустаҳкам озуқа базасига боғлиқ. Ёз бўйи 740 тонна пичан, 400 тонна сомон, 3800 тонна силос, 1050 тонна беда, 2200 тонна сенаж жамғариб қўйдик. Булардан ташқари 1000 тонна пахта чиқиндиси тайёрланади. Дағал хашак ва пахта чиқиндисидан қишлов даврида комплексдаги озуқа цехида тўйимли аралашма тайёрлаб молларга берилади.

Ҳеч шубҳа йўқки, колхозимиз меҳнаткашлари партия Марказий Комитети июль Пленуми белгилаб берган йўлдан бориб, қишлоқ хўжалигини, хусусан чорвачиликни янада ривожлантириб, янгидан-янги зафарларга эришаверадилар.

Ҳайдарали ҲАМРОҚУЛОВ,
Бекобод районидаги Ленин номли колхоз раиси,

Владимир ХАМ,
колхоз партия ташкилотининг секретари,

Кимсанбой БЕГМАТОВ,
бош зоотехник.

БУ—ТИРИКЛАРГА КЕРАК...

Намангандаги марказий майдонда мотамсаро она ҳайкали қад кўтариб турибди. Ундан сал нарида жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати уйи бор. Бу ерга кекса-ю-ёш: илк бор қирмизи галстук таққан ўқувчилар, комсомол билетини тантанали равишда олиш учун келган йигит ва қизлар, ватан ҳимоячилари — жангчилари хотирасига содиқ бўлиш ҳақида қасамёд қиладиган ҳарбий хизматга чақирилувчилар келиб туришади.

Улар бу ерга ҳалок бўлганларнинг хотирасини эъзозлаш, Улуғ Ватан уруши солдатлари ва офицерлари портретларига яна бир разм солиб, уларнинг фронтдан ёзган мактубларини ўқиш, Россия, Украина, Белоруссиядан келтирилган бир қисм тупроқ ёнида туриш учун келишади... Бу ерда ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг онаизорларини, уларнинг фарзандлари ва набираларини учратиш мумкин. Наманган областида бундай шон-шуҳрат уйлари 140 тадан кўпроқдир.

Фарғона водийсининг қўҳна шаҳарларидан бири — Чуст марказида ҳам шон-шуҳрат уйи бор. Кираверишда совет жангчилари штурмга бораётгани тасвирланган манзара чизилган. Жангчилардан бири ўз командирини душман ўқидан ўз гавдаси билан тўсиб турибди. Ушбу суратда ҳамюртлари лейтенант Мамашариф Фаёзов билан унинг дўсти сержант Михаил Алейников тасвирланганини Чуст аҳолиси яхши билади.

1945 йил январида М. Фаёзов командирлик қилган ўқчи рота Одер дарёсини кечиб ўтиб, фашист дивизиясининг штабини забт этди. Жанг пайтида командирини омон сақлайман деб Михаил Алейников қаттиқ яраланиб, ҳалок бўлди. Мамашариф дўсти хотираси учун унинг номини олди. Шундан буён Фаёзов Михаил Ғиёсович бўлиб қолди. Унинг саккиз фарзанди ҳам рус биродари шарафига отасининг исмини олган — Михайлович деб аташади.

— Чустдан 4,5 минг киши фронтга кетган эди, — деб ҳикоя қилади Михаил Ғиёсович.—Шулардан қариб 2 минг киши қайтиб келмади. Уларнинг хотираси бронзада, гранитда, энг муҳими эса, одамлар қалбида сақланиб қолган.

...Тўрақўрғон, Кўм-кўк осмон узра зангори гумбазлар қад кўтариб турибди. Самарқанддаги машҳур регистон майдони узра қад кўтарган гумбазларга ўхшайди. Жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати уйи залларида йигит ва қизлар СССР граждани паспортини тантанали равиштда олиш учун тўпланишган. Паспортларни районнинг энг ҳурматли кишилари топширишади.

Масалан, Йўлдош Розиқов Поп районидаги В. И. Ленин номли территориал ишлаб чиқариш бирлашмасида ирригатор бўлиб ишлайди. Чодак посёлкасининг аҳолиси уни ҳориб-толмас меҳнаткаш сифатида билади. Уруш йилларида у миномёт ротасига командирлик қилди, Кичик Ердаги жангларда қатнашди, Александр Невский, Қизил Байроқ, I ва II даражали Ватан уруши орденларининг кавалери бўлди.

Шон-шуҳрат уйига йиғилган йигит ва қизлар ветераннинг ҳикоясини диққат билан тинглашади. Ҳар куни посёлка кўчаларида, совхоз далаларида учрашиб юрган кишининг ҳақиқий қаҳрамон эканлигини билиш уларга нечоғли муҳим.

Собиқ разведкачи, ҳозир Тўрақўрғон район партия комитетининг биринчи секретари Маматхон Бобохонов ҳам шу ерда. Унинг кўкрагини 20 дан кўпроқ жанговар ва меҳнат орден ҳамда медаллари безаб турибди. У Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган.

Зангор- гумбаз остидаги соқин зал узра Бобохоновнинг охиста ва дилкаш овози эшитилиб турибди. У болаларга боболарининг жасорати ҳақида сўзлаб бермоқда. Сўнгра райком секретари ўқувчиларни боғ сари олиб боради. Ёш , лекин мустаҳкам илдиз отган дарахтларда ёзувли тахтачалар қадаб қўйилган. Уларда фронтчи ҳамюртларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, ҳалок бўлган куни ва жойи ёзиб қўйилган.

— Гарчи шаҳарларимиз ва қишлоқларимиз фронтдан анча узоқда бўлган бўлсада, — деб ҳикоя қилади Улуғ Ватан урушининг иштирокчиси, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари М. Камолов, — улар бутун мамлакат билан бирга жанг қилдилар: 80 минг киши солдат шинелларини кийиб, жангга кирди, 23 мингдан кўпроқ киши жанг майдонларида ҳалок бўлди. Биргина Янгиқўрғон районидаги В. И. Ульянов номли колхоздан 783 киши урушга кетиб, 451 киши қайтиб келмади...

В. И. Ульянов номли колхоз партия ташкилоти барча ҳамюрт жангчиларнинг қаерда жанг қилгани, қандай жасорат кўрсатгани, агар жанг майдонида ҳалок бўлган бўлса, қаерда дафн этилгани ҳақидаги маълумотларни синчиклаб тўплаб катта иш қилди. Бу яхши ташаббусни областнинг бошқа районларида ҳам қўллаб-қувватлашди. Бу ишга область партия комитетининг секретари Турсунбой Рўзибоев бош бўлди. Унинг ўзи запасдаги офицер, урушнинг биринчи кунидан то охирги кунига қадар унинг машаққатли йўлларини босиб ўтган киши.

...Маълумотлар тўпланди, фронтчилар ҳақида ҳужжатлар йиғиш-ниқоятда сермашаққат иш. Жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати уйларида бундай ҳужжатлардан минг-минглаб йиғилган.

— Мана, жангда ҳалок бўлганлиги ҳақида фронтдан келган билдиришлар. Ўзбекистонда буларни «қора хат» деб аташарди,— деб тушинтиради Рўзибоев.— «қора хатлар» баъзиларида сақланиб қолган, баъзиларида эса йўқ. Биз ҳалок бўлганларнинг оилалари учун обком, оближроком ва область ҳарбий комиссариати номидан эсдалик гувоҳномаси тайёрладик. Унда шундай сўзлар бор: «Сиз чекаётган қайғунинг чеки йўқ. Бу қайғуни на йиллар, на юпатишлар кетказаолади. Аммо унинг мардлиги ва жасорати учун сизнинг ифтихорингиз бундан ози эмас. Совет кишиларининг қалбида ва хотирасида у мангу бўлиб қолажак...».

Ленинград учун олиб борилган қаҳрамонона жангда ҳалок бўлган пулеметчи Қаюм Раҳмонов гимнастёркасининг чўнтагидан топилган мактубни ўқийман:

«Фашистлар совет мамлакатига бостириб кирганида Фарғона водийсининг ларзага келганини ҳис этдим. Қалбида юраги уриб турган ҳар бир виждонли ўзбек ўз-ўзига: «ол ға бос, душманни тўхтатиб қол!» деб нидо қилди. Мен ҳам Ленинградга келдим. Москвасиз, Ленинградсиз, совет Россиясисиз ҳур Ўзбекистон ҳам йўқ».

Ҳалок бўлганлар хотираси билан урушинг ҳозир ҳаёт бўлган иштирокчиларига ғамхўрлик қилиш ажралмас нарсалардир. Уруш ветеранларига иззат-икром, ҳурмат, ёрдам кўрсатилмоқда. Бу наманганликларнинг муқаддас бурчи деб ҳисобланади. Ветеранларнинг яшаш шароитлари мунтазам текширилиб, уларнинг уйлари қандай аҳволда, томорқалари қандай, оилалари бирор нимага муҳтожлик сезмаётганмикин, деб текшириб турилади.

Ҳалок бўлганларнинг хотирасини авайлаб, ардоқлаб сақлаш Наманганда олиб борилаётган ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг формаларидан биридир. Бу ерда жасорат сабоқлари, Улуғ Ватан урушининг атоқли саркардаларининг хотира асарлари бўйича тематик учрашувлар ўтказиш одат тусига кирган. Буларнинг ҳаммаси қалбларга фазилат бағишлайди, ёшларда юксак маънавий фазилатларни шакллантиришга ёрдам беради.

Улуғ Ватан уруши ветеранларининг ҳарбий хизматга чақирилувчилар билан учрашувида Совет Иттифоқи Қаҳрамони М. Фаёзовни учратиб қолдим. У бахтиёр эди.

— Армияда хизмат қилишга ажойиб йигитлар кетишяпти. Улар оталарининг шон-шуҳратига муносиб йигитлар,— деди у.

И. МУҚИМОВ,
[«ПРАВДА» мухбири].
Наманган шаҳри.
[«ПРАВДА», 27 ноябрь].

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ—МУВАФФАҚИЯТ НЕГИЗИ

Йил бошидан бери Ўзбекистон мебель саноатининг корхоналарида сифат белгиси қўйилган буюмлар ишлаб чиқариш икки баравар кўпайди. Бу йил ихтисослаштирилган магазинларга қарийб 3,5 миллион сўмлик кўзгу, болалар кровати, гарнитурлар юборилди. Буларнинг ҳаммасида фахрли беш бурчак тамға босилган. Ишлаб чиқаришни планли равишда такомиллаштириш, корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш натижасида муваффақиятга эришилди. 24 ноябрь куни «Техника тараққиёти — Республика мебель саноатини ривожлантириш негизи» темасида ўтказилган республика семинарида иш самарадорлиги ва сифатини янада ошириш йўллари тўғрисида гапирилди.

Семинар қатнашчилари иш вақтидан рационал фойдаланиш, технологик машина-ускуналардан яхшироқ фойдаланиш, сифатни бошқариш комплекс системасини жорий этиш масалаларини муҳокама қилдилар. Улар яхши буюм ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, уларнинг таннархини арзонлаштиришга қаратилган тавсиялар қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

ОБОД ПОСЁЛКАЛАРГА ДИПЛОМЛАР

Қишлоқларни замонавий асосда қайта қуриш ва ободонлаштириш бўйича ўтказилаётган Бутуниттифоқ кўрик-конкурсининг навбатдаги босқичи якунланди. Кўрик-конкурсда 15 иттифоқдош республикадан 277 хўжалик ғолиб деб топилди. СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, СССР Давлат қурилиш комитети, СССР Қишлоқ хўжалиги, Қишлоқ қурилиши, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари, СССР Давлат қурилиш комитети ҳузуридаги «Госгражданстрой», ВЛКСМ Марказий Комитети, ВЦСПС, СССР Архитекторлар союзи, «Сельская жизнь» ва «Строительная газета» редакциялари томонидан ўтказилаётган кўрик-конкурс қишлоқлар маданий ва маиший турмуши юксалишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ғолиблар орасида пойтахт областининг ҳам вакиллари бор.

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози посёлкаси СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг биринчи даражали дипломига сазовор бўлди. Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхози, Ғалаба районидаги «Огонёк» совхозининг посёлкаси кўргазманинг иккинчи даражали дипломлари билан тақдирланди. СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг III даражали дипломи «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозининг «Янги ҳаёт» посёлкасига берилди.

Қишлоқ посёлкаларини энг яхши қайта қуриш ва ободонлаштириш бўйича ўтказилаётган Бутуниттифоқ кўрик-конкурси давом этмоқда. Конкурснинг навбатдаги якунлари 1981 йилда чиқарилади.

Тошкент оперетта театрида Е. Гальперина пьесаси асосида яратилган «Зангори қуён йили» музикали комедиянинг премьераси бўлиб ўтди. Оперетта музикасини В. Баснер ёзган. Суратда: спектаклдан бир кўриниш. Апполон Янович ролида — артист Юрий Кислюк. Вера — артист Любовь Петрович.

Р. Шамсуддинов фотоси (ЎзТАГ).

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Семашко номли курортология ва физотерапия илмий текшириш институти доғи бутун республикамизга ёйилган. Шу кунларда бу шифохонани янада кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда.

Яқин кунлар ичида институт территориясида болалар учун 150 ўринли физотерапия касалхонаси фойдаланишга топширилади. Кичкинтойлар бу ерда шифобахш балчиқ, минерал сув, электр шуълалари билан даволанадилар. Ўғил-қизлар яхши дам олишлари учун ажойиб ҳиёбон ҳам қурилмоқда. Кичкинтойлар саломатлигини яхшилашда янги шифохона ниҳоятда катта ёрдам беради. Республикамизда ягона бу бинони «Главташкентстрой»га қарашли 6-қурилиш трестининг 70-қурилиш бошқармаси бунёд этмоқда.

КИЧКИНТОЙЛАРГА КИПИМ-КЕЧАКЛАР

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Болалар учун моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг сифатини ошириш, шу моллар савдосини яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори «Малика» трикотаж бирлашмаси ходимларининг кучига-куч қўшиб юборди.

Бу партия-ҳукуматимизнинг фарзандларимиз истиқболи йўлида қилаётган катта ғамхўрликларидан биридир. Корхонанинг ишчи ва хизматчилари «Ҳамма яхши нарсалар болаларга!» шиори остида меҳнат қилмоқдалар. Болалар учун тайёрланаётган кўйлак, жемперлар, свитер, шим ва бошқа кийим-кечаклар уларнинг дидига мос тушадиган, бежирим бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда область« ва шаҳарлардаги йирик савдо марказлари «Болалар дунёси» магазинларида харидорлар учун кўргазмалар ташкил қилинмоқда. Бу яхши натижа бермоқда. Харидорларнинг талаб ва истаклари ўрганилмоқда.

Чеварлар ўн ой мобайнида 9 миллион 776 дона кийим-бош тикишди. Бу ўтган йилга нисбатан 32 минг дона кўпдир. Бу йил болалар маҳсулотларнинг 18 турига Давлат Сифат белгиси берилди.

ЯНГИ АТСлар

Бу йил областимизда бирнеча янги АТСлар ишга туширилади. Жумладан Ангрен шаҳрида 1000 номерли, Чирчиқ шаҳрининг 3-микрорайонида эса 3000 номерлик АТС қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Қибрай посёлкасида янги автомат телефон станцияси қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Қўли гул бинокорлар объектни йил охиригача фойдаланишга топширадилар.

Москва, Ленинград, Киев ва бошқа шаҳарлардан келтирилаётган механизмлар автоматнинг тез ва соз ишлаши учун жуда қулайдир. Бу йил район меҳнаткашлари марказий шаҳарлар билан автомат телефон орқали боғлана оладиган бўладилар.

ХИЗМАТ — БЕМИННАТ

Шу кунларда 30 дан зиёд кўчма маданий-маиший хизмат кўрсатиш автомашиналари дала кезиб, пахтакорларга хизмат кўрсатмоқда. Бу автолавкалар қатъий график асосида областимиз пахта далаларида бўлиб, дала меҳнаткашларига хизмат кўрсатмоқда. Натижада пахтакорларнинг қимматли вақтлари тежалмоқда. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш уйларининг ходимлари дала шийпонларида пахтакорларга турли хизмат кўрсатишмоқда. Жумладан, пойафзал ремонти, ҳимчистка, сартарошлик, фото хизмати, телевизор ва радиоприёмникларни тузатиб берадиган усталарнинг ўрни шу кунларда далада бўлмоқда. Бу ишда айниқса «Лола» фабрикаси ишчи-хизматчилари амалга ошираётган тадбирлар қувонарлидир. Улар бевосита далада пахтакорлардан буюртмалар қабул қилишмоқда. Областимизнинг Ўрта Чирчиқ, Бўка, Ғалаба район хўжаликлари маданий-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари ишидан мамнун бўлишмоқда.

М. ЗАРИПОВ.

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИ ТЕЗ ҚУНДА

А. С. Пушкин асарлари Ҳ. Ғулом таржимаси

ТОШ МЕҲМОН

Ж. Камол таржимаси

МОЦАРТ ВА САЛЬЕРИ

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби И. В. Радун. Рассом — А. Батиков.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети Ленин, Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги 206-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1978—79 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

дурадгорлар, енгил ва юк ташиш машиналарини ремонт қилувчи автослесарлар, слесарь-сантехниклар, бўёқчилар.

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги 8—10-синфни битирган йигит-қизлар қабул қилинади. 10-синфни битирганлар ва Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар 65 сўм стипендия билан таъминланадилар (слесарь-сантехник ҳунари бўйича). Узоқдан келганларга ётоқхона берилади.

Билим юртини битирганларга аттестат берилади ва Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига юборилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ва ишлаб чиқариш даврида иш ҳақининг учдан бири билан таъминланадилар.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, автобиография, паспорт ёки туғилганлиги ҳақида гувоҳнома; медицина справкаси (286-форма), турар жойидан справка; ота-онасининг иш жойидан справка, 6 дона фотосурат (4х5 см.).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар — 700128, Октябрь район, Ҳуршид кўчаси, 83-уй, 14 «э», 48-автобуслар, 10-троллейбус, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Ҳуршид» бекати (Лабзак). Қабул комиссияси ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.

УЧАСТКА ФЕЛЬДШЕРИ

Туп. Абдураҳмон ухлаб ётган уйнинг эшиги тақиллади. Эшик қаршисида Норибой турарди. Унинг юзлари ташвишли.

— Акам бетоб бўлиб қолди, — деди.

Абдураҳмон уларнинг уйларига борганида беморнинг иситмаси баландлигидан тўшакда алаҳсирарди.

У тезда диагнозни аниқлаб, беморга укол берди. У тун бўйи бемор олдида парвона бўлди. Тонгга яқин беморнинг иситмаси анча пасайиб уйқуга кетди. Шундагина Абдураҳмоннинг кўнгли таскин топди.

Ҳа, бу шифокорнинг бир туни холос. Айни долзарб дамларда «Победа» колхозининг 3-участкаси фельдшери Абдураҳмон Сориевни дала меҳнаткашлари орасида кўрасиз. У пахтакорларга ёрдам кўрсатиш билан бирга медицинага оид турли мавзуларда суҳбатлар ўтказмоқда.

З. ЮСУПОВ.

Бекобод районидаги «Победа» колхози.

«ЭЛЕКТРА» ҚАЙТИБ КЕЛМАЙДИ...

Вадим КАССИС.

Дўстлари ММБга ўтиш ҳақида унга ҳам таклиф қилиб кўришди. Бошқарманинг иккинчи бўлими ҳузурида ҳукмрон либерал демократик партиядаги арбобларнинг қистови билан тузилган алоҳида тадқиқот бюроси, аниқроғи — разведка органи мавжуд эканлиги билан уни оғдиришмоқчи бўлди. Парламентда шундай бюро тузилишини ҳозирги халқаро вазият, турли хил ахборот йиғиш билан Миллий мудофаа бошқармаси ҳам шуғулланишини тақозо этмоқда деб асослашди. Бу соҳа бўйича тажрибали кадрларга ММБ эга эмас эди. Шунга кўра консерваторлар полиция шефининг эшигини тақиллатишга мажбур бўлишди....

Бюронинг ходимларига турли хил функциялар юкланган эди. Радиоалоқа хабарларини ушлашади, бош полиция бошқармаси муҳофаза бўлимидан олинадиган материалларни ишлаб чиқишади ва яна ўз-ўзидан маълумки — МРБ билан яқин алоқа ўрнатиб иш олиб боришади. Аслини олганда Накамура ўзининг бошқармаси эга бўлган бутун махфий ахборот амалда энг аввало МРБ қўлига тушаётганлигини бошқалардан кўра яхшироқ биларди. Эҳтимол худди мана шунинг учунгина МРБ эндиликда ММБнинг разведка органи ишларини писанд қилмай қўйгандир.

Мана шу фикрлар Накамура эртасига кун бўйи — ҳаётини анча салмоқли суммага (бошқарма ҳисобига!) сугурта қилганида, хавфли жиноятчи Яситони қамоққа олиш ордерига имзо чекканида, йиллик молиявий ҳисоботни кўздан кечирганда ҳам уни тарк этмади. Айниқса тушки танаффус маҳали унинг қўл остида ишловчи Сюндзо Судо Накамурани мувозанатдан чиқариб юборди.

— Кеча менга МРБга ишлайдиган бир яқин танишим қўнғироқ қилиб, бизнинг бошқармамиз номерини таққан бир машина кимга тегишли эканлигини аниқлашни илтимос қилди. Биласизми, нима? У сизнинг автомобилингиз номерини айтди.

— Сиз бўлсангиз буни тасдиқладингизми?— Бошлиқнинг овози қалтираб кетганини Судо ҳам сезди.

— Ҳа, Накамура-сан. Менинг у дўстим билан бекинмачоқ ўйнаш мумкин эмас. У билан ўйнашиб бўлмайди. Барибир билиб оларди. Унда ишонинг, ёлғон гапиргудек бўлсам бошимга не кунлар тушишини тасаввур қилинг.

Накамура жим қолди. У ўйланиб шундай хулосага келди: МРБ унинг кетига тушган. Бироқ бошланиб кетган бу таъқибнинг туб сабабларини билмасди. Бундан бир ҳафта олдин Мацуока билан учрашуви унинг учун хавфли муқаддима бўлганлигини ҳаёлига ҳам келтирмади.

Нисэй Ямада лирикани сира хуш кўрмасди. Унинг кўрсатмалари ҳамиша аниқ бўлиб, ҳеч қачон муҳокама қилиниши мумкин эмас. Марказий разведка бошқармасида уни мана шу характери учун қадрлашарди ва энг масъулиятли топшириқларни унга беришарди.

— Эртага «Тэкко биру» биносининг подвалидаги «Хани» кафесига эрталаб соат 8 атрофида бир одам киради, уни кузатинг. Қотмадан келган, ёши 40 атрофида. Юзи юмалоқ. Хадиксираброқ юради.— Ямада бироз жим туриб қўшиб қўйди:— Тушунарлими?

Агент Масаки бош силкиб «ҳа» ишорасини қилди.

АГЕНТ КУНДАЛИГИДАН

«РОСА соат 8.00 да кафега Ямада хабар қилган белгиларга эга бўлган эркак кирди. Атрофга диққат билан назар ташлаб бўш стол ёнига бориб ўтирди. У кафеда 30 минутча бўлди. Сўнгра ўрнидан қўзғалиб кўчага чиқди. Биз шу ердан уни таъқиб эта бошладик. У Токио вокзалидан жанубга чиқадиган томондан юриб Кадзибаси орқали Гиндзу томон равона бўлди. Бу ерда ярим соатча худди магазин витриналарини кўраётган киши бўлиб, айланиб юрди. Аммо у кетидан кузатишаётган эмасмикин деган хавотирда юрганлиги сезилиб турарди. 11.30 да у таксига ўтирди. Бу бировни кутаётган эди. Ўн ўтмай Акасаки томонидан қора лимузин чиқиб келиб Мацуока ёнида тўхтади. Машина эшиги очилиб, у ўтирди. Машина соат 10.55 да Тиёда-ку, Ҳаябуса-тё 13 адреси бўйича жойлашган уй ёнида тўхтади. Уй эшигига «Масаки Накамура» деб ёзилган тахтача осиғлиқ эди. Мацуока машинадан тушиб уйга кириб кетди.

Бир неча кун ўтиб, мен машина номери бўйича у полиция бош бошқармасига қарашли эканлигини аниқлашга муваффақ бўлдим. Бошқа маълумотларни билишда Сюндзо Судо деган таниш полициячи ёрдам берди».

Полиция амалдори ўз бошлиғининг ҳузурига келиши, Япония полиция раҳбарлигининг шубҳасини туғдиришига асос бўлолмайди. Накамура уйида кўп ходимларни қабул қиларди. Бир хил суҳбатлар конфиденциал характерда бўлса, бошқалари овқат столи ёнида бўлиб алоҳида хавфга қарши қондаларига риоя қилинмасди. Бироқ Накамуранинг Мацуока билан мулоқати мутлақо алоҳида аҳамиятга эга.

Гап Мацуока МРБга ёлланганги ва Совет Иттифоқига боғлиқ. Ҳикоямиз якунида «Иомиури» газетасида босилган бир ахборотни келтирамиз:

«1960 йил 17 мартда Индиана штатининг жанубий қисмидаги Огайо дарёсига яқин бўлган тоғлиқ зона устида— жуда юқорида «Норт-Вест Эйрлайн» авиакомпаниясига қарашли «Электра» пассажир самолёти портлади. Унинг бортидаги 63 кишининг ҳаммаси ҳалок бўлди. Биронта ҳам бутун жасадни топиш имкони бўлмади. Самолёт қанотларининг қолдиқлари мотор тушган жойдан 8 километр наридан топилди. Самолёт Чикаго орқали Миннеаполис — Майами рейси бўйича учаётган эди. Портлаш самолёт Чикаго аэродромидан учгандан сўнг 30—40 минут ўтгач юз берди. Худди ўша куни мана шу ҳалокат маълум бўлгандан сўнг соат 17.44 да Чикаго полиция бошқармасида телефон жиринглади. Аллақандай бола овози шуни хабар қилди: Чикагонинг Мидуэй аэропортидан учган самолётга бомба қўйилган. Ҳалок бўлганлар орасида полиция бош бошқармаси иккинчи муҳофаза бўлимининг бошлиғи Масаки Накамура бор...».

Накамура билан бирга унинг таржимони ҳам — МРБда хизмат қилиб, Қўшма Штатларда яшовчи Тиёки ҳам ҳалок бўлди. Аввалги план бўйича унга Накамурани ёллаш вазифаси белгиланган эди. Лэнглида ёллашни қатл билан алмаштириш ҳақида қарор қилишгандан сўнг ҳам режани бузишмади. Маршрутлар, учрашувлар Накамурага олдиндан маълум эди. Агар программага ўзгартиш киритилса, унда шубҳа уйғотиш мумкин эди. Айниқса бу таржимон қизга алоқадор эди. Америка разведкасининг каттаконлари уни ҳам қурбон қилишга қарор қилишди.

Индиана штати устида юз берган портлаш япон жамоатчилигининг барча қатламларини ларзага солди. Аммо жуда озчилик — бу даҳшатли воқеага алоқадор бўлган одамларгина ҳалокатнинг моҳиятини билишарди, холос. Бироқ ана шу одамлар ҳам Накамура қўлга киритган ахборот нима эканлиги ҳақидаги савол жавоб бера олишмади. Шу ахборотни деб МРБ кўпгина айбсиз одамларни ҳалок қилди...

(«НЕДЕЛЯ» ҳафталигидан). А. АБДУБАННОПОВ таржимаси.

Спорт

ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

«Футбол-хоккей» ҳафталиги мукофоти учун ёш футболчилар ўртасида ўтказилаётган Бутуниттифоқ турнирида финалчилар аниқланди. Батуми шаҳрида бўлган турнирда Белоруссия футболчилари 4 очко тўплаб биринчи бўлишди. РСФСР командасини 3:2 ҳисобида маглубиятга учратган Арманистон футболчилари ҳам 4 очко тўплашди. Лекин улар Белоруссия командаси билан бўлган ўзаро учрашувда енгилишганлиги сабабли иккинчи ўринда қолдилар.

Маълумки республикамиз футболчилари Сухумида ўтказилган турнирда қатнашган эдилар. Улар уч учрашувнинг биттасини утқазиб, иккитасини дуранг қилишди. Бу группада 5 очко тўплаган Москва командаси финалга чиқди. Саралаш ўйинлари тугагач энг яхши ўйинчилар аниқланди. Совринлар билан тақдирланган футболчилар орасида Ўзбекистон терма командаси ҳимоячиси пахтакорчи Вячеслав Ширин ҳам бор.

Қолган группаларда Латвия ва Украина командалари ғолиб чиқдилар.

Бугун Бутуниттифоқ турнирида ҳал қилувчи ўйинлар бўлади. Сухуми стадионига аввалига Москва ва Латвия командалари тушади. Сўнгра Украина ва Белоруссия футболчилари беллашадилар. Ана шу икки учрашувнинг ғолиби финалда «Футбол-хоккей» ҳафталигининг мукофоти учун ўзаро куч синашади.

ОЛИМПИАДА УМИДЛАРИ

Харьковда «Олимпиада умидлари» деб номланган Бутуниттифоқ мусобақалари бўлиб ўтди. Бунда мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган ёш фигурачилар куч синашдилар. Шуни айтиш керакки республикамизда бу спорт тури энг кенжа турлардан бири бўлишига қарамай вакилларимиз эришаётган натижалар кишини қувонтиради. Жумладан Марина Никитюк билан Рашид Кадиркаевлар қатор мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар. Бу умидли ёшларимиз Харьковдаги мусобақаларда ҳам яхши қатнашиб учинчи ўринни эгаллашди ва бронза медали эгаси бўлдилар. Яна бир жуфт спортчимиз Галина Гребанова билан Игорь Гилинлар эришган натижа ҳам қувонарлидир. Бу спортчиларимиз тўртинчи ўринни олишди. «Олимпиада умидлари» мусобақасида қатнашган «Меҳнат» жамияти фигурачиларининг маҳорати мусобақадан-мусобақага ортаётир.

Бу йилги пахта йиғим-терим мавсумида Тошкент областининг давлат автомобиль инспекцияси ходимлари ҳам ўз хизматларини активлаштирдилар. Улар магистраль йўлларда навбатчиликни кучайтирмоқдалар ва далалардаги ҳосилни пунктларга етказиш ишига муносиб ҳисса қўшаётирлар. Суратда: инспекция ходимларидан старшина А. Содиқов ҳамда кичик сержант Н. Сирожиддиновларни иш устида кўриб турибсиз.

А. Қозоқбоев фотоси.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.45 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Шеърларни ўқиб. 10.35 — «Таваккалчилик стратегияси». Кўп серияли бадиий фильм, 1-серия. 11.40 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.40 — Концерт. 15.00 — Ҳужжатли фильм. 15.55 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 16.25 — Шчёлково ип газлама комбинатида. 16.55 — Концерт. 17.40 — Ҳужжатли фильм. 18.00 — «Горичлар қаердасиз?». 18.30 — Янгиликлар. 19.45 — Кувнок ноталар. 19.00 — Фан оламида. 19.30 — Халқ чолғу асбоблари. 20.15 — «Таваккалчилик стратегияси». Кўп серияли бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — «Вақт». 22.10— Тележурнал. 23.45 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00—Ҳужжатли фильм. 12.30 — Химиядан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Кинокўзгудаги ҳаёт. 18.00 — Светофор. 18.15 — Партия планлари — халқ планлари. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Концерт. 20.10 — Ахборот. 20.30 — Дўстлик экрани. 21.30 — «Вақт». 22.10 — Пахтазор — мардлар майдони. 22.25 — «Ягона йўл». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 — Биз Спасскданмиз. 20.00 — Кругозор. 20.30 — Концерт. 20.55 — Янгиликлар.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 30/XI да **Жизель.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/XI да **Қароқчилар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 29/XI да **Қизил дуррали нозик ниҳолим,** 30/XI да **Тошкентнинг нозанин маликаси.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Аренада москваликлар» янги цирк томошалари** (19.30).

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

29, 30 ноябрь соат 19.00 да **СССР чемпионати** «А» классининг I группаси бўйича «ДИНАМО» (Минск) — «БИНОКОР» (Тошкент) командалари ўртасида

ШАИБАЛИ ХОККЕЙ.

Билетлар «Юбилей» спорт зали кассасида сотилади.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ **Металлофурнитура заводида ишлаш учун мих ясовчи автоматларни созловчи мутахассислиги бўйича ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

18 дан 40 ёшгача бўлган эркаклар таклиф этилади.

Ўқиш муддати — 3 ой, ишлаб чиқариш стажига қўшилади. Ўқиш даврида 95 сўм миқдорида стипендия, иккинчи ойдан эса ишбай иш ҳақига 60 процент миқдорида қўшимча тўланади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, Олча проезди (38, 59, 76, 116-автобуслар, «Магазин» бекати).

ТОШКЕНТ 1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ Троллейбус ҳайдовчилари курсларига НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ УТКАЗАДИ

Ўқиш муддати — 5 ой.

Ўқувчилар стипендия, шаҳар электр транспортида бепул юриш ҳуқуқи билан, ёлғиз кишилар эса ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Т. Шевченко кўчаси, 28-уй.

Главташкентстрой транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг 4-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИ 3-КЛАСС ШОФЕРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН 5 ЯРИМ ОЙЛИК КУРСЛАРГА **ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Курсларга ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинади.

Стипендия — 45 сўм.

Корхона адреси: Тошкент шаҳар, Ҳамза райони, Тўёна кўчаси, 205-уй (7-автобус, 5-трамвайнинг «Қўйлиқ» бекати, 68-автобуснинг «4-автотранспорт корхонаси» бекати).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 32533; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 02922. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64584. Д—2532.